

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**43-сон**  
**(1063)**  
**2022 йил**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

399. ««Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 октябрдаги ЎРҚ–795-сон Қонуни
400. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 26 октябрдаги ЎРҚ–796-сон Қонуни
401. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–797-сон Қонуни
402. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ–798-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

403. «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ–408-сон қарори
404. «Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ–409-сон қарори
405. «Республикада маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ–412-сон қарори

*Учинчи бўлим*

406. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг тажриба-синов тариқасидаги янги тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 октябрдаги 622-сон қарори
407. «Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 октябрдаги 625-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

408. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон «Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3394*)
409. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 5 октябрдаги 21/7-сон «Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263-1*)
410. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 56-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****399 «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
20 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, турмуш даражасини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга «Инсон қадри учун» тамойили асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаровонлигини янада ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг самарадорлигини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олишга ва коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатларга барҳам беришга, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадларини оширишга, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашга, шунингдек пенсия миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-мод-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 октябрда эълон қилинган.

да, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модданинг «л» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажы шахарчалар, кишлоклар ҳамда овулларда камида 25 йил ва шахарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм)»;

2) **19-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялаганлиги ёки боққанлигини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) **27-модда биринчи қисмининг «г» банди** «боқувчининг» деган сўздан кейин «пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **28-модданинг «к» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача. Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсиясига устама тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **30-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «ҳисобланиши мумкин» деган сўзлар «ҳисобланади» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «ҳисобланиши мумкин» деган сўзлар «ҳисобланади» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **37-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги ишланган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади»;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **41-модданинг ўзбекча матнидаги** «анча имтиёзли» деган сўзлар «нисбатан имтиёзлироқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **49-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш стажы ва иш ҳақи инобатга олинган ҳолда пенсия ҳар икки йилда бир маротаба қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш фуқаро пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилган санадаги ушбу Қонуннинг 17-моддасида

қўрсатилган ёшга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 6 ва 8-бандлари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 26 октябрь,  
ЎРҚ–795-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**400** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
29 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 7 октябрда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга тўғри келмоқда.

Қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакли ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби аҳолига уларни содда тилда тушунтириш имкониятини бермаяпти.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси умумхалқ овозига қўйилганда овоз бериш бюллетенини тўлдиришнинг амалдаги тартиби фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини тўлақонли ифода этиши учун муайян мураккабликлар туғдирмоқда.

Шу муносабат билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳаларда муқаддиманинг мавжуд бўлиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қонун лойиҳаларининг номи ва муқаддимасини муҳокама қилиш ҳамда уларга овоз бериш тартиби очиб берилмоқда.

Шунингдек, умумхалқ овози жараёнида фуқароларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бюллетенга муайян белгилардан бирини қўйиш йўли билан овоз бериш тартиби жорий этилмоқда.

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш заруриятини, сабабларини ва мақсадларини ҳамда уларнинг моҳиятини аҳолига содда ва тушунарли тилда етказишга, шунингдек умумхалқ овози жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини тўлақонли билдириши учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 октябрда эълон қилинган.

«Референдумда овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилаётган масаланинг матни аниқ акс этирилади ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари «ха» ёки «йўқ» ёхуд «рози» ёки «қарши» деб кўрсатилади»;

2) **31-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш биносида ёки бевосита унинг олдида участка комиссияси стэнд жиҳозлайди, унга овоз бериш бюллетенининг намунаси ва уни тўлдириш тартиби жойлаштирилади, агар референдумга қонун лойиҳаси қўйилган бўлса, стэндга шу лойиҳанинг матни ҳам жойлаштирилади»;

3) **35-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаролар овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилаётган масала бўйича ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «V» ёхуд «х» белгисини қўяди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **15-моддасининг ўн иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида муҳокама унинг номи, муқаддимаси (агар мавжуд бўлса), ҳар бир моддаси бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади. Бунда масъул қўмита томонидан маъқулланган фикрлар ва таклифлар ҳам, маъқулланмаган фикрлар ва таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича, қоида тариқасида, унинг номига, муқаддимасига (агар мавжуд бўлса), ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида овоз берилади. Қонунчилик палатасининг қарорига кўра қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш боблар ёки бўлимлар бўйича, шунингдек бир неча моддалар бўйича бир вақтнинг ўзида ўтказилиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–60-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1,



4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **19-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **иккинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳаси унинг қабул қилиниши зарурияти, сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган, шунингдек унинг моҳиятини ва аҳамиятини очиб берадиган муқаддимага эга бўлиши мумкин»;

2) қуйидаги **мазмундаги учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларига ҳамда қонунларига ўзгартишлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларини ёки уларнинг айрим нормаларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари, қоида тариқасида, уларнинг қабул қилиниши зарурияти, сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган, шунингдек уларнинг моҳиятини ва аҳамиятини очиб берувчи муқаддимага эга бўлади.

Хуқуқий нормалар муқаддимага киритилмайди»;

3) **учинчи — еттинчи қисмлар** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **59<sup>1</sup>** ва **59<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«59<sup>1</sup>. Қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи қонуности ҳужжати лойиҳасининг номида мазкур лойиҳа билан киритилаётган асосий ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти кўрсатилиши керак.

59<sup>2</sup>. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳа, қоида тариқасида, уни қабул қилиш зарурияти, сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятини ва аҳамиятини очиб берадиган муқаддимага эга бўлади. Зарур бўлган тақдирда, қонуности ҳужжати лойиҳасининг муқаддимасида у қайси қонунчилик ҳужжатларини ижро этиш учун ёки қайси қонунчилик ҳужжатларига асосан қабул қилинаётган бўлса, ўша қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилади»;

2) **68-банд** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«68. Агар қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган лойиҳада ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва катта ҳажмга эга бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) тарзида тайёрланади.

Бу ҳолда, қонуности ҳужжати лойиҳасининг иловани тасдиқлаш назарда тутилаётган таркибий бирлигида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилаётган нормаларнинг моҳияти қисқача баён этилади;

3) **76-банднинг иккинчи хатбошисидаги** «бундан қонун лойиҳалари мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 26 октябрь,  
ЎРҚ–796-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**401** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил  
21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 4 августда  
маъқулланган

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ички ишлар органлари фаолияти тубдан ислоҳ этилди, ушбу соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилди.

Ўтказилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими тузилмасига бир қанча ўзгаришлар киритилди, шу жумладан айрим раҳбарлик лавозимларининг таснифи ўзгартирилди, шу муносабат билан ички ишлар органлари тизимидаги мазкур раҳбарларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳамда жамоат хавфсизлиги ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобдорлигини қонунчиликда белгилаш зарурияти юзага келди.

Ушбу Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиши тартиби киритилмоқда.

Шу билан бирга, туман, шаҳар ички ишлар бўлинмаларининг бошлиқлари — ҳар чоракда ва уларнинг ўринбосарлари — ҳар ойда, шунингдек маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари — ҳар олти ойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этиши тартиби жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ички ишлар органлари тизимида фаолият юритаётган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ҳуқуқий мақомини ва

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 октябрда эълон қилинган.

асосий вазифаларини белгилаб қўйишга қаратилган қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги, шунингдек уларнинг фаолиятини халқ вакиллари томонидан назорат қилиб бориш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб, ички ишлар органларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва уларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасида кўрилатган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар; 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) **252-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чоракда тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисм «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг» деган сўзлардан кейин «махалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика катта инспекторларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисм** «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг» деган сўзлардан кейин «махалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика катта инспекторларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 13-модда учинчи қисмининг:**

**йигирма иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**йигирма учинчи, йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма иккинчи, йигирма учинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 14-модда биринчи қисмининг:**

**ўн учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўн тўртинчи — йигирма биринчи хатбошилари** тегишинча **ўн учинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10,

380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464-модда) **258-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ички ишлар органлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳамда ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлардан иборатдир»;

2) **131-модда:**

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар

ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар чорақда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чорақда, уларнинг ўринбосарлари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари жамоат хавфсизлиги ҳақида ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика катта инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **14-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15-модданинг бешинчи қисмидан** «шунингдек «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **2-боб** қуйидаги мазмундаги **15<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«15<sup>1</sup>-модда. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари**

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органларининг фаолиятини бевосита маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорликда ишлашینی маҳаллалар кесимида ташкил этиш бўйича амалга оширадиган таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ўз фаолиятини қуйидаги таркибда амалга оширади:

профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси (ҳар кунлик асосда);

мазкур ҳудудда хизматни ўташ учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, проба-ция бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари;

жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия бў-

линмасининг ва бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари, шунингдек жамоат тузилмаларининг вакиллари»;

6) **23-модданинг еттинчи қисмидаги** «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган «**Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–420-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси» деган сўзлар «Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 октябрь,  
ЎРҚ–797-сон



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**402** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил  
14 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси тасдиқлансин.

**2-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида**»ги 161–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида**»ги 162–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида**»ги 367–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 65-модда) **2-банди**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 621–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) **I бўлимининг 12-банди**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 681–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) **XIV бўлими**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **XII бўлими**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида**»ги 760–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 112-модда) **3-бандининг иккинчи кичик банди**;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 октябрда эълон қилинган.

8) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 772–I-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **XII бўлими**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 832–I-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **XIV бўлими**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 220–II-сонли Қону-нининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) **VIII бўлими**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 271–II-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 182-модда) **IV бўлими**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 320–II-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) **VII бўлими**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 405–II-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 165-модда) **VI бўлими**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муноса-бати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига **ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–8-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) **2-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–238-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда) **8-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқла-рининг кафолатлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

нунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–239-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 471-модда) **1-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–272-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 472-модда) **2-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–329-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/1, 238-модда) **1-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **13-моддаси**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **9-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **9-моддаси**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **8-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–405-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **8-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-**

**тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–416-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 383-модда) **11-моддаси**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **25-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–448-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **6-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **10-моддаси**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–459-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **4-моддаси**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–476-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **16-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **15-моддаси**;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда) **30-моддасининг 2-банди**;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тар-**

тибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–514-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 3-модда) **4-моддаси**;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **17-моддаси**;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–536-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 261-модда) **7-моддаси**;

35) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–542-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) **11-моддаси**;

36) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **21-моддаси**;

37) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 сентябрда қабул қилинган «**Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–638-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 539-модда) **3-моддаси**;

38) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–640-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 593-модда) **5-моддаси**;

39) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилин-

ган «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда) **120-моддасининг 1-банди**;

40) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **7-моддаси**;

41) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **56-моддаси**;

42) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–705-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 797-модда) **1-моддаси**.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 октябрь,  
ЎРҚ–798-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****403 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Республика ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан 9 370 та маҳаллада аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи энг долзарб масалалар ўрганилганлиги ва ҳудудлар кесимида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини тизимли ва режали амалга ошириш мақсадида:

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш юзасидан Республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага\*\* мувофиқ;

2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурларини амалга ошириш юзасидан ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳлар) раҳбарлари рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳига (А.Ж. Раматов) Дастурларнинг йиғма параметрларига, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси,

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 октябрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларида муҳокама қилиб, тасдиқласин.

4. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачилар этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги буюртмачи ташкилотлар;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича — «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича — тегишинча «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш ва тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича — тегишли тармоқ корхоналари белгилансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва бошқа буюртмачи ташкилотлар 2022 йил 15 ноябрга қадар Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастурлар доирасида:

қурилиш-таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармалари орқали молиялаштирилади. Бунда, маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар сифатида ажратилади;

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмайди ва ушбу маблағлар 2023 йилда Дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш учун мақсадли йўналтирилади;

ажратилган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланган ишлар ҳажмини молиялаштиришга етишмаган тақдирда, қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади;

молиялаштириш учун қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

7. Дастурларни амалга ошириш доирасида:



бош лойиҳачи ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали ҳамда объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари учун жалб этиладиган ташкилотлар белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларга, истисно тариқасида, қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов (аванс) амалга оширишга рухсат берилсин.

8. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги Дастурлар доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш ва амалга ошириш мақсадида:

2022 йил 15 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармаларига жами 1,7 триллион сўм миқдорида маблағларни ўтказиб берсин;

келгусида, эҳтиёжга қараб, ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун қўшимча 1 триллион сўм миқдорида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли назорат қилиш ҳамда кредитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Белгилансинки:

туман (шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб боради;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари Дастурлар ижро этилиши ҳолатининг мунтазам муҳокама қилинишини ва масъул раҳбарларнинг тегишли ҳисоботлари эшитиб борилишини таъминлайди;

Дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича давлат қабул комиссиялари таркибига маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари киритилади ва бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади.

11. Ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллалар кесимида алоҳида режа-жадвалларни тасдиқлаб:

ҳар ҳафта жойларга чиққан ҳолда маҳаллаларда амалга ошириладиган ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил қилинишини назоратга олсин, шунингдек, долзарб муаммолар ҳал этиладиганлиги юзасидан аҳолига батафсил тушунтириш ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини, бу борада аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тизимли ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Республика ишчи гуруҳига таклифлар киритиб борсин.

12. Республика ишчи гуруҳи (А.Ж. Раматов):

Дастурлар ижросини ва Худудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект)нинг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш, кечикаётган лойиҳа (объект)ларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқланадиган муаммоли масалаларни тизимли ҳал этиш чораларини кўрсин;

ҳар ойда Дастурлар ижросини танқидий муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

13. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар устидан қўйидаги назорат тизими йўлга қўйилсин:

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

Давлат молиявий назорати инспекцияси Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли давлат молиявий назоратини амалга оширади;

Бош прокуратура жойларда Дастурларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатади;

маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Бош прокуратура икки ҳафта муддатда мазкур қарор доирасида ҳамда ташаббусли бюджетлаштириш асосида молиялаштириладиган лойиҳалар (объектлар)ни амалга ошириш жараёнлари самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича амалга оширилаётган

ишларнинг кўлами ва ислохотларнинг натижаларини кенг ёритиб бориш бўйича мақолалар, мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилиш, унинг натижадорлигини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 октябрь,  
ПҚ-408-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**404 Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда ўтказиб келинаётган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиб келаётган кенг жамоатчиликни янада рағбатлантириш, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг ушбу жараёнларда фаоллигини ошириш мақсадида:

1. 2022 йил июль — сентябрь ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида 1221 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан илгари сурилган қиймати 1 триллион бўлган 1 418 та лойиҳа ғолиб бўлганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил июль — сентябрь ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 364 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 335 миллиард сўм маблағни 1-иловага\*\* мувофиқ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги уч кун муддатда 2022 йилдаги самарасиз харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига шаклланган маблағларни мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ қўшимча ажратилаётган маблағларнинг уч кун муддатда Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилишини ҳамда мазкур жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминласин;

Маҳалла ва нурунийларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги (Т. Худайбергенов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда овоз беришда иштирок этмаган маҳаллаларда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларининг тарғибот ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки, 2023 молия йилидан бошлаб:

а) «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 октябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган кўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилади;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари доирасида жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали тадбирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёнининг биринчи мавсуми — ҳар йили февраль-март ойларида, иккинчи мавсуми ҳар йили июнь-июль ойларида;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали кейинги йил учун тадбирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни — ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширишнинг янги тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, 2023 йилга мўлжалланган дастурларни жорий йилнинг декабрь ва 2023 йилнинг январь ойларида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали шакллантириш, лойиҳалар пакети учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини 8 миллиард сўм этиб белгилаш, дастурларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида 4 триллион сўм маблағ йўналтириш назарда тутилсин.

6. Молия вазирлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун туман ва шаҳар бюджетларида 2023 йилда 640 миллиард сўм маблағ режалаштирилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнининг 2022 йил иккинчи мавсуми доирасида тиббиёт муассасаларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш юзасидан келиб тушган 190 та лойиҳани ўрганиб чиқиб, ушбу лойиҳалар рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ушбу лойиҳалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун 2023 йилда ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгилансин.

8. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчиларига ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш, лойиҳаларни шакллантиришга кўмаклашиш, уларнинг сифатли ва муддатида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

9. 2023 йил 1 январдан бошлаб, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари молия бўлимларида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида танланган лойиҳаларни бошқариш бўйича мутахассис лавозими жорий этилсин. Бунда, ушбу штат бирликлари Давлат солиқ қўмитаси ва унинг таркибий тузилмаларидан 200 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобига ҳамда қолган қисми Молия вазирлигининг умумий штат бирликлари доирасида ажратилади.

10. Молия вазирлиги:

бир ой муддатда ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида битта маҳаллада ғолиб деб топилиши мумкин бўлган лойиҳаларнинг чекланган сони, лойиҳалар ғолиб деб топилиши учун талаб этиладиган энг кам овозлар сони ҳамда амалга оширилаётган лойиҳаларда сифат назоратини амалга ошириш ва уларга шартнома асосида мутахассислар жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнининг ҳудудлардаги ижросини баҳолаб бориш мақсадида туман (шаҳар) фаоллиги рейтингини жорий қилсин ва мазкур рейтинг натижаларини «Очиқ бюджет» ахборот порталида эълон қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-илова\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 октябрь,  
ПҚ–409-сон

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**405 Республикада маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикасида ички туризм ва минтақавий авиаташувларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг авиақатновларга бўлган талабини қондириш ҳамда фуқаро авиацияси соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида:

1. Транспорт вазирлиги аҳоли ва хорижий сайёҳларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда:

худудларни бир-бири билан ўзаро боғлаш мақсадида 2023 йил март ойидан бошлаб Самарқанд — Нукус, Самарқанд — Мўйноқ, Самарқанд — Термиз, Бухоро — Термиз, Наманган — Термиз ва Наманган — Нукус каби янги йўналишларда мунтазам авиақатновларни бошлаш;

Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида Шаҳрисабз ва Сариосиё аэропортларига авиақатновларни тиклаш, шунингдек, Зомин аэропортига авиақатновларни йўлга қўйиш;

авиақатновлар жадвалини йўловчилар учун қулай бўлган темир йўл, автобус ва микроавтобус йўналишлари билан интеграциялаш орқали ягона логистика тизимини яратиш чораларини кўрсин.

2. Республикада ички туризмни ривожлантириш, йўловчиларга арзон нархларда авиаташув хизматларини кўрсатиш ва авиакомпаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига ички туризм йўналишларидаги авиақатновлар учун авиачипта нархининг 25 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия ажратиш муддати 2026 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд қоидаларини амалга оширишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Қуйидагилар:

а) аҳолига арзон нархларда маҳаллий ва халқаро авиаташув хизматларини кўрсатиш мақсадида «Uzbekistan Airports» АЖ таркибида кам бюджетли (low-cost) «SILK AVIA» МЧЖ авиакомпанияси (кейинги ўринларда — авиакомпания) ташкил этилганлиги;

б) хорижий экспертларни жалб этган ҳолда авиакомпания фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилганлиги;

в) авиакомпания учун техник ва иқтисодий жиҳатдан маҳаллий йўналишларда энг қулай кўрсаткичларга эга бўлган 3 та «ATR72-600» русумли хаво

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 октябрда эълон қилинган.

кемаларини харид қилиш бўйича депозит тўловлари амалга оширилиб, улар техник кўрикдан ўтказилганлиги;

г) Стратегия доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида дастлабки харажатларни молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш ва асосий воситаларни харид қилиш учун «Ўзмиллий-банк» АЖ томонидан «Uzbekistan Airports» АЖга 2 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 50,0 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши бўйича келишувга эришилганлиги;

д) Стратегияга мувофиқ авиакомпания томонидан маҳаллий йўналишлар бўйича:

жорий йилда 10 та йўналишда ҳафтасига 28 та авиақатновларни амалга ошириш орқали 2 минг йўловчига;

2023 йилда 48 та йўналишда ҳафтасига 134 та авиақатновларни йўлга қўйиш натижасида 9 минг йўловчига;

2024 йилда 54 та йўналишда ҳафтасига 216 та авиақатновларни ташкил этиш орқали 14 минг йўловчига хизмат кўрсатиш режалаштирилганлиги;

е) авиакомпания ҳаво кемаларини дастлабки жойлаштириш манзили этиб Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти ҳудуди белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Uzbekistan Airports» АЖнинг Стратегияни амалга ошириш доирасида 2022 йилда 3 та «ATR72-600» русумли ҳаво кемаларини харид қилиш ҳамда 2024 йил якунига қадар яна 9 та «ATR» русумли ҳаво кемаларини олиб келиш (харид қилиш ва лизинг асосида) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан «Uzbekistan Airports» АЖга 50,0 млн АҚШ доллари миқдорида ажратиладиган кредит бўйича:

таъминот сифатида кредит қийматининг 125 фоизи миқдорида «Uzbekistan Airports» АЖнинг кўчмас мулки ҳамда харид қилинаётган ҳаво кемалари гаров сифатида тақдим этилади;

асосий қарз, фоизлар, комиссия ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар авиакомпания ва «Uzbekistan Airports» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Давлат буюртмачиси ҳисобланган авиация корхоналарига харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаш орқали:

ҳаво кемаларини харид қилиш ёки лизинг асосида олиш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун — халқаро юридик компаниялар билан;

ҳаво кемалари учувчиларини ўқитиш учун — ўқув-машқ марказлари билан;

ҳаво кемалари сотувчи, лизинг асосида етказиб берувчи, техник хизмат кўрсатувчи, эҳтиёт қисмлари билан таъминловчи, ташувчи, таъмирловчи, техник ҳужжат ишлаб чиқувчи ҳамда халқаро аудит, консалтинг ва маслаҳатчи компаниялар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга руҳсат берилсин.

7. Транспорт вазирлиги «Uzbekistan Airways» АЖ билан биргаликда:



«Uzbekistan Airways Technics» МЧЖ негизида «ATR» русумли ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишни (шу жумладан «С-check») ташкил этиш ҳамда зарур инфратузилма яратишни;

«ATR» русумли ҳаво кемаси учувчилари, борткузатувчилари, муҳандис-техник ходимлари ва диспетчерларини ўқитиш учун «Uzbekistan Airways» АЖнинг ўқув-машқ марказида ўқув курсларини ташкил этишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари 2028 йил 1 январга қадар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат асосида Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш техникаси, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, техник ҳужжатлар ва дастурий таъминот учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги авиакомпаниянинг аризаларига биноан республикага жалб этиладиган хорижий мутахассисларга (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Транспорт вазирлигининг виза талабномаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислон Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 26 октябрь,  
ПҚ-412-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **406** Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг тажриба-синов тариқасидаги янги тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика (катта) инспекторлари (кейинги ўринларда — профилактика инспекторлари) томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини вақтинча турган жойи бўйича махсус планшет қурилмалари орқали электрон рўйхатга олиш фаолиятини 2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ички ишлар органлари таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика инспекторлари томонидан махсус планшет қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида махсус планшет қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш учун мурожаат этиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида махсус планшет қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ҳамда рўйхатга олишни рад этиш асослари;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида махсус планшет қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда идоралараро фаолиятни ташкил этиш тартиби.

3. Белгилансинки:

тажриба-синов доирасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, уларнинг хоҳишига кўра, қулай манзилдаги профилактика инспекторлари, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, давлат

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 октябрда эълон қилинган.

хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали томонидан амалга оширилади;

мазкур қарорни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда профилактика инспекторлари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча яшаш учун келган фуқароларни махсус планшет қурилмаси ёрдамида вақтинча рўйхатга олиш тизимини ишга туширсин ҳамда Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг электрон тизими билан интеграция қилсин;

икки ой муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хизмат олиб борётган профилактика инспекторларини махсус планшет қурилмалари билан таъминласин;

махсус планшет қурилмалари орқали Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни йўлга қўйиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида профилактика инспекторлари малакасини ошириш юзасидан ўқув машғулотларини ташкил этсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган Вақтинчалик низомни амалиётда қўллаш натижаларини пухта таҳлил қилган ҳолда келгусида мазкур амалиётни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 октябрь,  
622-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 27 октябрдаги 622-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон  
Республикаси фуқароларини ички ишлар органлари таянч  
пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг  
профилактика инспекторлари томонидан махсус планшет  
қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича  
рўйхатга олиш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низом Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда — фуқаролар) ички ишлар органлари таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг профилактика (катта) инспекторлари (кейинги ўринларда — профилактика инспекторлари) томонидан махсус планшет қурилмалари орқали вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш (кейинги ўринларда — вақтинча рўйхатга олиш) тартибини белгилайди.

2. Фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича мулкдорнинг аризасида ёки солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатга олинади.

Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаганлик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

3. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун фуқаролар келган кунидан бошлаб ўн беш кун муддатда ўз хоҳишига кўра, қулай манзилдаги профилактика инспекторлари, МваФРБ, давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда — ЯИДХП) мурожаат қилиши мумкин.

4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтиш учун МваФРБ, давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХПга мурожаат қилганда вақтинча рўйхатга олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (кейинги ўринларда — Низом) 4-бобига мувофиқ амалга оширилади.

5. Давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат божи «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган миқдорларда тўланади.

Фуқаролар профилактика инспекторлари томонидан махсус планшет қу-

рилмаси ёрдамида вақтинчалик рўйхатга олинганда давлат божи суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади;

11,25 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига ўтказилади;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобига ўтказилади.

Профилактика инспекторлари томонидан махсус планшет қурилмаси орқали фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтказилганда давлат божи электрон тўлов тизимлари орқали тўланади.

## **2-боб. Фуқароларни вақтинча рўйхатга олиш тартиби**

6. Профилактика инспекторлари орқали вақтинча рўйхатга олиш мазкур Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

7. Фуқаролар вақтинча рўйхатдан ўтиш учун профилактика инспекторларига мурожаат қилганда мулкдор номидан, профилактика инспектори томонидан махсус планшет қурилмаси орқали ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровнома электрон шаклда тўлдирилади.

Сўровнома қуйидаги ҳужжатларга асосан тўлдиради:

мулкдор ва вақтинча рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси;

ўн олти ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (казармалар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари;

ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловага\* мувофиқ мулкдорнинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

уй-жой берган юридик шахснинг розилик хати;

уй-жой ҳужжати (кадастр рақами, доимий рўйхат манзили).

Солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса, мулкдорнинг розилиги талаб этилмайди ва сўровнома вақтинча рўйхатдан ўтувчи фуқароларнинг мурожаатларига асосан профилактика инспектори томонидан тўлдирилади.

\* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда уй-жой хужжатлари (кадастр рақами, доимий рўйхат манзили) тўғрисидаги маълумотлар профилактика инспекторига фуқаро томонидан тақдим этилади.

8. Фуқарога давлат божи электрон тўлов тизимлари орқали тўланиши тушунтирилади.

9. Профилактика инспектори томонидан сўровнома тўлдирилгач Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига (кейинги ўринларда — ваколатли орган) электрон тизим орқали юборилади.

Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Электрон рақамли имзоси бўлмаган ҳолларда шахсий имзо ёки идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

10. Сўровнома ваколатли органнинг электрон тизимига келиб тушган вақтдан бошлаб Низомнинг 44-бандида белгиланган тартибда текширилади.

Профилактика инспекторлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви фақат химояланган идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Кўшимча текшириш талаб этилган тақдирда, фуқаро ахборот-коммуникация тизими орқали профилактика инспекторини хабардор қилади.

Бунда кўшимча текшириш муддати уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

11. Текшириш натижасига кўра, ваколатли орган томонидан ушбу Вақтинчалик низомга 4-иловага\* мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқдайдиган хужжатга QR-код билан химояланган вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи (кейинги ўринларда — қайд варағи) тегишли профилактика инспектори планшетига электрон шаклда юборилади.

Профилактика инспектори қайд варағи олингандан сўнг уни шу куннинг ўзида фуқарога қоғоз шаклида тақдим этади.

Фуқаронинг сўровига кўра, қайд варағи фуқаронинг электрон манзилига юборилиши мумкин.

12. Вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағи фуқаронинг турган жойида вақтинча рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган хужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ID-карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) тақдим этилган тақдирда, унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир.

13. Профилактика инспектори вақтинча рўйхатга олиш тўғрисидаги қайд варағини беришда фуқарога қайта вақтинча рўйхатга олиш тартибини ва муддатини тушунтиради.

14. Қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, фуқаро вақтинчалик яшаётган маҳаллага хизмат кўрсатувчи профилактика инспек-

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

торига шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки бузилиши ҳолатларини кўрсатиб, қайд варағининг дубликати-ни расмийлаштириш ҳақида ариза тақдим этади.

15. Профилактика инспектори аризада кўрсатилган жойда ушбу фуқаро-нинг вақтинча рўйхатга олинishi тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Улар тасдиқланган тақдирда, ариза берувчига шу куннинг ўзида қайд варағининг дубликати-ни тақдим этади.

16. Профилактика инспекторига нотўғри маълумот тақдим этиш, сўров-номада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, вақтинча рўйхатга олиш учун давлат божини тўламаслик вақтинча рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Бошқа ҳар қандай ҳолат вақтинча рўйхатга олишни рад этишга асос бўлмайди.

17. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олинishi рад этилган ҳолатлар юзасидан фуқаролар ҳудудий МваФРБга мурожаат қиладилар ва ушбу ҳолатлар Низомга мувофиқ ҳал этилади.

18. Фуқаро вақтинча турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истагини билдирганда, ушбу Вақтинчалик низомда кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танлаган жойдаги профилактика инспектори орқали вақтин-ча рўйхатга олинади.

19. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олинган фуқаро вақтинча рўйхатга олинган жойда яшаши керак.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

20. Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар турар жойи (уй-жой майдони) бўйича вақтинча рўйхатга олинади, бунда улар томо-нидан Низомнинг 52-бандида кўрсатилган маълумотлар МваФРБларга тақ-дим этилади.

21. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча рўйхатга олинган чақирилувчилар ёки ҳарбий хизматга мажбурлар Низомга мувофиқ ҳарбий ҳисоб ҳужжатлари асосида вақтинча ҳарбий рўйхатга олинади ёки ҳарбий ҳисобдан чиқарилади.

22. Профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оши-ради.

23. Ушбу Вақтинчалик низомда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасида мавжуд бўлма-ган ҳамда кадастр рақами бўлмаган турар жойларга вақтинча рўйхатга олиш қатъиян тақиқланади.

24. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқаро унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили вақтинча рўйхатга олинган жойда вақтинчалик рўйхатга олинishi шарт ва рўйхатга олинганлиги учун ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат божи тўланади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсни вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс зиммасига юкланади.

25. Иш берувчи, таълим ташкилоти, мулкдорлар вақтинча рўйхатга турган фуқаро билан амалдаги шартномани бекор қилган тақдирда, бу ҳақда ҳисобга қўйилган ҳудудий профилактика инспекторини хабардор қилиши шарт.

26. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида вақтинча рўйхатга олиш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.

27. Ташкилот, шу жумладан, ўқув ташкилотларининг уй-жойлар, ётоқхоналарига фуқароларни турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиш мазкур ташкилот, шу жумладан, ўқув ташкилотининг ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

28. Ушбу Низом қоидаларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**407** **Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 10 майдаги 390-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган энгиб бўлмас кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланганлиги;

енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан сертификат бериш орқали амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

талабгорнинг ташқи савдо битимлари, халқаро молия ёки инвестиция келишувлари ва халқаро шартномалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган ёки бўлиб ўтган энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлашга сертификат олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига мурожаат қилиш тартиби;

енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлашга сертификат олиш учун ариза ва ҳужжатларни юбориш, уларни кўриб чиқиш ҳамда сертификат бериш тартиби ва муддатлари;

сертификат берилганлик учун йиғим ундириш;

сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш асослари;

енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш учун берилган сертификатлар реестрини юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 октябрда эълон қилинган.

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мувожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғимларни Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи ягона биллинг тизими орқали электрон тарзда тўлаш имкониятини яратсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб икки ой ўтгач кучга кирази.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 октябрь,  
625-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 28 октябрдаги 625-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини  
тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент ташқи савдо битимлари, халқаро молия ёки инвестиция келишувлари ва халқаро шартномалар (кейинги ўринларда — шартнома) шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган ёки бўлиб ўтган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматини кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш ваколатли орган ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқланган ҳамда ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ электрон шаклда QR-код (матрик штрихли код) билан расмийлаштириладиган сертификат бериш орқали амалга оширилади.

Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқловчи сертификат муддатсиз даврга берилади.

5. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

енгиб бўлмайдиган кучлар — томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар (форс-мажор);

талабгор — шартнома доирасида енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш мақсадида ҳужжатларни тақдим этувчи: юридик ёки жисмоний шахс (шартнома томони).

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Талабгор давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради ҳамда қуйидаги ҳужжатларни юклайди:

шартнома(лар), қўшимча келишув(лар) (мавжуд бўлган тақдирда) ҳамда уларга спецификация(лар) нусхаси;

шартнома(лар) бўйича бажарилган мажбуриятларнинг ҳажмларини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк томонидан кўчирилган маблағлар тўғрисида маълумотнома, ҳисобварақлар ва/ёки далолатномалар). Бунда ҳужжатлар шартнома(лар)нинг хусусиятидан келиб чиқиб тақдим этилади.

Талабгор ЯИДХПда сўровномани тўлдириб, ушбу ҳужжатларни юклагандан сўнг идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (электрон рақамли имзо, мобил-ID ва бошқалар) сўровномани юборишни тасдиқлайди.

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

7. Ваколатли орган томонидан сўровномани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

8. Ваколатли органга келиб тушган сўровнома ва ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги кўриб чиқилади.

9. Ваколатли орган сўровномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошланган ёки бўлиб ўтган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини

\* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талабгорнинг шартномасига таъсири, шартнома мажбуриятларининг ўзаро бажарилиши, мажбуриятларнинг муддатлари ва бошқа асословчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганеди.

Бунда, ваколатли орган сўровномада кўрсатилган энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари мавжудлигини тасдиқлаш учун давлат бошқаруви органлари ёки хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлардан хулосалар сўраши мумкин.

10. Давлат бошқаруви органлари ёки хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ваколатли орган сўрови келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида сўралаётган хулосани ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

11. Ваколатли орган талабгорнинг сўровномасига мувофиқ содир бўлган энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш масаласини ўз маблағлари ҳисобидан жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва баҳолаш ҳуқуқига эга.

12. Талабгорга сертификат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги Қарор ваколатлари орган томонидан сўровнома қабул қилинган кундан бошлаб ўн уч иш кунида қабул қилинади.

13. Ваколатли орган талабгорни қабул қилинган қарор ҳақида ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали хабардор қилади.

14. Сўровнома рад этилган ҳолатларда, рад этиш сабаблари ва қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилади.

15. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида сертификат бериш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда сертификат бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 90 фоизи миқдоридан йиғим ундирилади.

Бунда, бир сўровнома билан бирга бир нечта (биттадан ортиқ) шартномалар бир вақтнинг ўзида тақдим қилинса, қўшимча ҳар бир шартнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан алоҳида йиғим ундирилади.

16. Талабгор сертификат берилиши тўғрисида хабар олгандан сўнг бир иш кунида 15-бандда белгиланган миқдордаги йиғимларни тўлайди.

Йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

17. Ваколатли орган томонидан сертификат берилганлиги учун йиғим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

78,25 фоизи-ваколатли органнинг Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасининг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

18. Йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангандан сўнг ваколатли орган томонидан бир иш кунида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган сертификат

Регламентга 2-иловадаги шаклга мувофиқ электрон шаклда талабгорнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилади.

19. Ваколатли орган томонидан сертификат беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

сўровномага илова қилинган ҳужжатлар бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлиги;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланмаган ёки содир бўлмаган енгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятнинг бажариб бўлинганлиги;

шартнома бўйича мажбуриятнинг бажарилмаганлиги енгиб бўлмайдиган кучлар давом этган муддатларга мувофиқ бўлмаслиги;

ушбу Регламентнинг 10-бандига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ёки хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари мавжуд эмаслиги бўйича асослантирилган хулосаси олинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига мувофиқ талабгорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, талабгорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар мавжудлиги.

Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли сертификат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Талабгор рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб тарзда белгиланиши, бироқ беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

21. Талабгор сертификатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ваколатли орган томонидан ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, сертификатни бериш ёки уни беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги сўровномаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Сўровнома такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

22. Сўровномани қайта кўриб чиқишда сертификат беришни илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

23. Сертификатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин талабгор томонидан тақдим этилган сўровнома янги киритилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

24. Талабгор сертификатни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги қарор, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

25. Ваколатли орган томонидан берилган сертификатлар реестри ушбу Регламентга 4-иловага\* мувофиқ автоматик шаклда юритилади.

26. Зарур ҳолларда ваколатли орган томонидан хўжалик субъектларига, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, хорижий мамлакатларда сертификат бериш, енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш ва сертификат олиш учун ҳужжатларни кўриб чиқишнинг бориши масалалари бўйича маслаҳатлар берилади.

27. Ушбу Регламент талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 28 октябрдаги 625-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида» 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 78-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги ПФ–5012-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги ПҚ–2887-сон қарори)» 2017 йил 14 июлдаги 499-сон қарорига илованинг 18-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 55-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2021 йил 25 июндаги 393-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига илованинг 3-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 5-банди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****408 Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3394*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари самардорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ички аудит миллий стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур буйруқ иловасининг 1-банди тўртинчи хатбошиси ва 15-банди 2023 йилнинг 1 сентябридан кучга кирди.

**Вазир****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 октябрь,  
52-сон

*Келишилди:*

**Ҳисоб палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари**

**Б. ТУРОБОВ**

*2022 йил 5 сентябрь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 октябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги  
52-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Ички аудит миллий стандартлари**

Мазкур Ички аудит миллий стандартлари (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати (бундан буён матнда ички аудит хизмати деб юритилади) фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказишнинг стандартларини белгилайди.

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**вазирлик ва идоралар** — ички аудит хизмати ташкил этилган бюджет маблағларини тақсимловчилар ва улар тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари;

**ички аудит йиллик режаси** — ички аудит хизмати томонидан бир календар йил давомида ички аудит тадбирлари ўтказилиши лозим бўлган ички аудит объектлари рўйхати, ички аудит тадбирини ўтказиш муддатлари ҳамда масъул шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

**ички аудит миллий малака сертификати** — ички аудит хизмати ходими малакасини тасдиқлайдиган ва унга ички аудит хизматида фаолият юритиш имкониятини берадиган ҳужжат;

**ички аудит объекти** — ички аудит тадбири амалга оширилиши назарда тутилган вазирлик ва идоралар;

**ички аудит фаолияти** — вазирлик ва идораларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатларини олдини олиш, бюджет тизими бюджетлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган мустақил фаолият;

**ички аудит тадбири** — ички аудит объектларида ички аудит хизмати мақсадларига эришишга қаратилган ички аудит хизмати ходими томонидан амалга ошириладиган жараён;

**ички аудит тадбири дастури** — ички аудит тадбирининг йўналишлари, муддати, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжат;

**ички аудит тадбири ҳисоботи** — ички аудит тадбири якунлари бўйича расмийлаштириладиган ва ўзида ички аудит тадбири давомида аниқланган ҳолатлар, жумладан қонунбузилиш ҳолатлари, бюджет интизومي ҳолати, кузатишлар натижалари, таклиф ва тавсиялар, ички аудит тадбири ҳисоботида келтирилган таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режаси (бундан буён матнда чора-тадбирлар режаси деб юритилади) ҳамда ички

аудит объекти томонидан тақдим этилган фикр ва мулоҳазалар (агар мавжуд бўлса) акс этадиган ҳужжат;

**ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи** — ички аудит тадбирини ўтказиш мақсадида ички аудит хизмати раҳбари томонидан ташкил этиладиган ҳамда ички аудит ходим(лар)и ва вазирлик ва идора тузилмасидан жалб қилинган мутахассислардан иборат гуруҳ. Бунда, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳига ички аудит хизмати раҳбари ёки ходими раҳбарлик қилади;

**ички аудит хизмати** — вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини амалга оширувчи ҳамда бошқа таркибий тузилмалардан мустақил таркибий бўлинма;

**молиявий бошқарув** — вазирлик ва идорани молиявий таъминлашни бошқариш жараёни;

**хавф** — маълум бир ҳодиса ёки ҳолатнинг вазирлик ва идораларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли;

**чора-тадбирлар режаси** — ички аудит тадбири натижасида аниқланган қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари ва уларнинг хавфини камайтириш ҳамда бартараф этиш юзасидан берилган таклиф ва тавсияларни бажарилиши бўйича тайёрланадиган ҳужжат.

2. Стандартнинг мақсади ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари ва сифат кўрсаткичларини белгилаш ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказишнинг стандартларини жорий этиш ҳисобланади.

## **2-боб. Ички аудит хизмати фаолиятининг сифат кўрсаткичлари стандарти**

### **1-§. Ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари**

3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини мустақиллик, холислик, қонунийлик, малакалилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширади.

4. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

5. Ички аудит хизмати ва унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан ички аудит тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда беғараз бўлиши ва холислик билан ёндашиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим.

6. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириши ҳамда ваколатларидан четга чиқмаслиги лозим.

7. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда малакага эга бўлиши ҳамда мунтазам ўз малакасини ошириб бориши лозим.

8. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаши, улардан фаолиятдан ташқари ҳолларда фойдаланмаслиги ва давлат сири ҳамда бошқа сир сақланадиган маълумотларни ошкор этмаслиги лозим.

**2-§. Ички аудит хизматининг мустақиллиги**

9. Ички аудит хизмати ўз фаолиятида вазирлик ва идоранинг бошқа таркибий бўлинмаларидан мустақил ҳисобланади ва бевосита вазирлик ва идора раҳбарига бўйсунди ҳамда унга ҳисобдордир.

10. Ички аудит хизмати томонидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда, шу жумладан ички аудит тадбирларини режалаштириш, ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришда ички аудит хизматининг фаолиятига аралаштириш тақиқланади.

11. Вазирлик ва идора раҳбари ички аудит хизмати мустақиллигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

ички аудит йиллик режасини тасдиқлайди;

ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади;

ички аудит йиллик режасининг бажарилиши, ички аудит хизмати мустақиллигининг таъминланиши ва фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муаммолар юзасидан таклиф, тавсия, маълумот ҳамда ҳисоботларни кўриб чиқади.

12. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати мустақиллигини таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

ички аудит хизматини бошқаришда бевосита вазирлик ва идоранинг раҳбарига бўйсунди;

ички аудит хизмати фаолиятига бўлган ҳар қандай аралашувлар ёки аралаштириш учун уринишлар тўғрисида вазирлик ёки идора раҳбарини зудлик билан хабардор қилади ҳамда ваколати доирасида уларни баргараф этиш чораларини кўради;

вазирлик ва идора раҳбарига ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда ички аудит хизмати фаолиятининг мустақиллигини таъминланиши бўйича маълумот беради.

13. Ички аудит хизмати ходим(лар)и ички аудит хизмати мустақиллигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

ички аудит хизмати фаолиятининг асосий тамойилларига амал қилади;

ички аудит тадбирларида иштирок этиш ёки ўтказишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлар юзага келганда, ички аудит хизмати раҳбарини (ички аудит тадбири ички аудит хизмати раҳбари томонидан ўтказилаётганда вазирлик ва идора раҳбарини) хабардор қилади;

ўз фаолиятига бўлган ҳар қандай аралашувлар ёки аралашувга бўлган уринишлар тўғрисида ички аудит хизмати раҳбарини (ички аудит тадбири ички аудит хизмати раҳбари томонидан ўтказилаётганда вазирлик ва идора раҳбарини) хабардор қилади.

**3-§. Ички аудит хизмати ходимларининг малакасига қўйиладиган талаблар**

14. Ички аудит хизмати ходимлари ўзига юклатилган вазифа ва функция-

ларни амалга ошириши учун талаб этиладиган билим ҳамда қўйидагилар бўйича етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

ички аудит объекти молиявий фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда ишончлилигини баҳолаш;

ички аудит тадбирлари билан қамраб олинган масалаларнинг аҳамияти, муҳимлиги ва мураккаблигини аниқлаш;

ички аудит объектида бюджет интизомига амал қилиниши ва молиявий бошқарув жараёнларининг самарадорлигини ўрганиш;

молиявий хато ва камчиликлар, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг юзага келиши эҳтимолини баҳолаш;

ички аудит объекти молиявий фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

15. Ички аудит хизмати ходимининг малакаси ички аудит миллий малака сертификати орқали тасдиқланади.

16. Ички аудит хизмати раҳбари доимий равишда ички аудит хизмати ходимларининг малакасини баҳолаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

#### **4-§. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш**

17. Ички аудит хизмати фаолиятининг сифатини таъминлаш ички аудит хизмати раҳбари томонидан фаолиятни мазкур Стандарт ва ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш ҳамда фаолият натижаларининг самарадорлигини баҳолаш орқали амалга оширилади.

18. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати фаолияти сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш ва доимий ошириб бориш чораларини кўради.

19. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда ички аудит хизмати сифати ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда уни ошириб бориш тўғрисидаги маълумотларни вазирлик ва идора раҳбарига тақдим этади.

20. Ички аудит фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириб бориш ички аудит хизмати фаолиятини ички ва ташқи баҳолаш орқали амалга оширилади.

21. Ички аудит хизмати фаолиятини ички баҳолаш ички аудит хизмати раҳбари томонидан амалга оширилади ҳамда доимий мониторинг ва даврий баҳолашни ўз ичига олади.

22. Доимий мониторинг ички аудит тадбирларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ички аудит тадбирларига оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда чора-тадбирлар режасини бажарилиши мониторингини амалга ошириш билан боғлиқ доимий тадбирлар орқали амалга оширилади.

23. Даврий баҳолаш ички аудит хизмати фаолиятини мазкур Стандарт ва ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда ички аудит объекларининг ички аудит тадбирлари натижалари бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

24. Ташқи баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ички аудит хизмати фаолиятининг мазкур Стандарт ва ички аудитга оид тегишли қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш орқали амалга оширилади.

### **3-боб. Ички аудит тадбирларини ўтказиш стандарти**

#### **1-§. Ички аудит йиллик режаси**

25. Ички аудит хизмати томонидан бир календар йил давомида ўтказиладиган ички аудит тадбирларини аниқлаш мақсадида ички аудит йиллик режаси ишлаб чиқилади.

26. Ички аудит йиллик режаси хавф таҳлили асосида ҳамда ички аудит хизматида мавжуд вақт ва инсон ресурсларини ҳисобга олган ҳолда келгуси йил учун ҳар йили декабр ойининг 15 санасига қадар ишлаб чиқилади.

27. Ички аудит йиллик режасида ички аудит тадбирлари ўтказиладиган ички аудит объектлари рўйхати, ички аудит тадбирини ўтказиш муддати, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр ва масъул ходим кўрсатилади.

28. Ички аудит йиллик режаси вазирлик ва идора раҳбари томонидан ҳар йили декабр ойининг 25 санасига қадар тасдиқланади.

#### **2-§. Ички аудит тадбирини ташкил этиш**

29. Ички аудит тадбирлари ички аудит йиллик режаси асосида ички аудит объектида ўтказилади.

30. Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида маълумотлар келиб тушганда ҳамда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали ички аудит тадбири ўтказиладиган ички аудит объектлари аниқланганда, ички аудит тадбирлари вазирлик ва идора раҳбари қарори асосида ўтказилади.

31. Ички аудит тадбири ички аудит хизмати ходимлари сонидан келиб чиқиб ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ёки ички аудит хизмати ходими томонидан ўтказилади.

32. Ички аудит хизмати ички аудит объекти раҳбарига ички аудит тадбири давомида бажариладиган ишлар тўғрисида қисқача маълумот, ички аудит тадбирини ўтказишда тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи аъзолари рўйхатини илова қилган ҳолда хабарнома юборади.

Бунда, хабарнома ички аудит объектига ички аудит тадбири бошланишидан 5 иш куни аввал юборилади.

33. Ички аудит хизмати томонидан ҳар бир ички аудит тадбирини ўтказиш учун ички аудит тадбири дастури ишлаб чиқилади.

34. Ички аудит тадбири дастури ички аудит тадбирининг йўналишлари, муддати, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи тўғрисидаги маълумотлар,

ички аудит тадбири билан қамраб олинадиган давр, ички аудит тадбирида қўлланиладиган аудит усулларини ўз ичига олади.

35. Ички аудит тадбири дастури ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари ёки ички аудит хизмати ходими томонидан тасдиқланади.

### **3-§. Ички аудит тадбирини ўтказиш**

36. Ички аудит тадбирлари қуйидаги мақсадларда ўтказилади:  
бюджет интизомини мустаҳкамлаш;  
бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш;

бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

37. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) ушбу Стандарт ва ички аудит тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ички аудит объектида ички аудит тадбирларини ўтказиш учун билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

38. Ички аудит тадбири давомида ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) ички аудит объектининг молиявий фаолиятига оид ҳужжатлар ва маълумотларини ўрганеди ҳамда таҳлил қилади.

39. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) томонидан ўрганиш ва таҳлил натижалари асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

40. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит тадбирини ички аудит тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилишини назорат қилади.

41. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит тадбирларини ўтказиш жараёнида жиноят аломатлари мавжудлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлганда, тегишли чоралар кўриш (ҳужжатлаштириш, олдини олиш чораларини кўриш) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юбориш учун вазирлик ёки идора раҳбарини ёзма равишда хабардор қилади.

### **4-§. Ички аудит тадбири натижаларини расмийлаштириш**

42. Ички аудит тадбири натижалари ички аудит тадбири ҳисоботи шаклида расмийлаштирилади.

43. Ички аудит тадбири ҳисоботида ички аудит тадбири натижалари, таҳлиллар, кузатишлар, таклиф ва тавсиялар, чора-тадбирлар режаси ҳамда ички аудит объекти томонидан тақдим этилган фикр ва мулоҳазалар (агар мавжуд бўлса) акс эттирилади.

44. Ички аудит тадбири ҳисоботи ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) ҳамда ички аудит объекти раҳбари ва молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар томонидан имзоланади.

45. Ички аудит тадбири ҳисоботи ички аудит объекти раҳбари ёки молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар томонидан имзоланмаган тақдирда, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) бу ҳақда далолатнома расмийлаштиради ва ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилади.

46. Ички аудит тадбири ҳисоботи икки нусхада расмийлаштирилади ҳамда ички аудит хизмати ва ички аудит объектида сақланади. Ички аудит тадбири ҳисоботи вазирлик ва идора раҳбарига унинг сўровига мувофиқ тақдим этилиши мумкин.

### **5-§. Чора-тадбирлар режаси бажарилишини мониторинг қилиш**

47. Чора-тадбирлар режаси ички аудит объекти томонидан ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) билан биргаликда ишлаб чиқилади ҳамда ички аудит объекти раҳбари томонидан тасдиқланади.

48. Чора-тадбирлар режаси ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи (ички аудит хизмати ходими) томонидан берилган таклиф ва тавсиялар, уларни амалга оширилиши ва унинг муддатлари, масъул шахс тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади ҳамда ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилинади.

49. Ички аудит объекти ҳар чоракда чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисида ички аудит хизматига маълумот тақдим этади.

50. Ички аудит хизмати ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасини бажарилиши мониторингини амалга оширади.

51. Чора-тадбирлар режаси ички аудит объекти томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ички аудит хизмати бу ҳақда вазирлик ёки идора раҳбарига маълумот киритади.

52. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасини бажарилиши юзасидан мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

### **6-§. Ваколат доирасидан ташқаридаги хавфлар ҳақида хабар бериш**

53. Ички аудит хизмати ходимлари ички аудит объекти фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи хавф(лар)ни аниқлаган тақдирда, уларни бартараф этиш имкониятларини баҳолайди.

54. Ички аудит объекти ички аудит хизмати томонидан аниқланган хавфларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

55. Ички аудит хизмати аниқланган хавфларни бартараф этиш ички аудит объекти имкониятидан ташқари бўлган тақдирда, бу ҳақда вазирлик ва идора раҳбарига маълумот тақдим этади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

56. Вазирлик ва идора раҳбари хавфларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда ўз ваколатидан ташқарида бўлган хавфлар бўйича маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

57. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирлик ва идораларнинг ички аудит объектларида аниқланган хавфлар тўғрисидаги маълумотла-

рини ўрганади ҳамда ўз ваколати доирасида уларни бартараф этиш бўйича вазирлик ва идора билан ҳамкорликда иш олиб боради.

### **7-§. Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисобот**

58. Ички аудит хизмати раҳбари вазирлик ва идора раҳбарига ички аудит йиллик режасининг бажарилиши ҳамда фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасигача чораклик ҳисобот ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январига қадар йиллик ҳисобот тақдим этади.

59. Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда ички аудит хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар кўрсатилади:

ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг бажарилиш ҳолати;

ҳисобот йилида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

келгуси ҳисобот йилида ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар;

ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириш тўғрисида маълумотлар;

аниқланган тизимли хавфлар ва уларни олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича вазирлик ёки идора даражасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида таклиф ва тавсиялар;

аниқланган тизимли хавфларни олдини олиш ҳамда бартараф этишда вазирлик ваколатига қирмайдиган масалалар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар;

вазирлик ва идора фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавфларни профилактика қилиш ҳамда бюджет харажатлари натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**409** Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/9-сон қарори (рўйхат рақами 3263, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3263/1100-сон) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 октябрь,  
21/7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
5 октябрдаги 21/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини  
юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилоти деб юритилади) учун бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини белгилайди.»

2. 1-банддаги «микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда ипотека ташкилоти деб юритилади)» деган сўзлар «нобанк кредит ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда ипотека ташкилоти деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши, шунингдек иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар айланиш тартибини белгилаши лозим.»

4. 3-банддаги «Нобанк кредит ташкилотининг ва ипотека ташкилотининг» деган сўзлар «Нобанк кредит ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 3-бобнинг номи, 35-банд, 60-банднинг биринчи хатбошиси, 76 ва 92-бандлардаги «Микрокредит» деган сўз «Микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 27, 38, 40, 97 ва 100-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Микромолия ташкилоти, ломбард ва мижоз ўртасида кредит (шунингдек, микрокредит, микроқарз, лизинг) шартномаси имзоланган санада мижозга кредит ҳисобварағи очилади.»

8. 36-банддаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 68-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «55995» рақами «55996» рақами билан алмаштирилсин.

10. 6-параграфнинг номи ва 94-банддаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 89-банддаги «микролизингга» ва «Микролизинг» деган сўзлар тегишли равишда «лизингга» ва «Лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 90-банддаги «Микролизингга» ва «микролизинг» деган сўзлар тегишли равишда «Лизингга» ва «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 91-бандда:

биринчи хатбошидаги «микролизинг» деган сўзлар «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 92-банддаги «микролизингга» ва «микролизинг» деган сўзлар тегишли равишда «лизингга» ва «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 95-бандда:

биринчи хатбошидаги «Микролизинг» ва «микролизинг» деган сўзлар тегишли равишда «Лизинг» ва «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «микролизинг» деган сўзлар «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 96-банддаги «Микролизинг» ва «микролизинг» деган сўзлар тегишли равишда «Лизинг» ва «лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 98-банддаги «Микролизинг» деган сўзлар «Лизинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 101-банддаги «амалга оширилади» деган сўзлар «ўтказиб берилди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 146-банддан «ташкilotи ва ипотека» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

20. 1-иловада:

а) 3-банддаги «микрокредит» деган сўз «микромолія» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 2-бобда:

15600, 15607, 15699, 16323, 45100, 45105 ва 56838 кодлардаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

15617, 15619, 15709, 45117, 45119 ва 45121 кодлардаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 3-бобда:

1) 12599 кодининг иккинчи хатбошиси, 13201 кодининг иккинчи хатбошиси, 13205 кодининг иккинчи хатбошиси, 13209 кодининг иккинчи хатбошиси, 13299 кодининг иккинчи хатбошиси, 15401 кодининг иккинчи хатбошиси, 15405 кодининг иккинчи хатбошиси, 15499 кодининг иккинчи хатбошиси ва 16575 кодининг учинчи хатбошидаги «микрокредит» деган сўз «микромолія» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) 15600, 45100, 45105 ва 56838 кодлардаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 15607 кодида:

биринчи хатбошидаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилардаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 15617, 15619, 15709 кодлар, 16701 кодининг иккинчи ва учинчи хат-

бошилари, 16707 кодининг иккинчи хатбошиси, 45117 ва 45119 кодлардаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 15699 кодида:

биринчи хатбошидаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи ва бешинчи хатбошилардаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 16323 кодида:

биринчи хатбошидаги «Микролизинг» деган сўз «Лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «микролизинглар» деган сўз «лизинглар» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 45121 кодида:

биринчи хатбошидаги «микролизинг» деган сўз «лизинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «микролизинглар» деган сўз «лизинглар» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 55995 коди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55996 Бошқа фоизсиз харажатлар»;

9) 91501 кодининг иккинчи хатбошисидан «, шунингдек «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказилган кредитлар ва лизинглар бўйича ҳисобланадиган фоизлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**410** Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-3*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғи (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2022 йил 14 октябрь,  
56-сон

**Т. ИШМЕТОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги  
56-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг  
харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш,  
тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 72-банд билан тўлдирилсин:

«72. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 112-моддаси олтинчи қисмида кўрсатилган қуйидаги маблағларга харажатлар сметаларини тузиш талаб қилинмайди:

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 октябрда эълон қилинган.

а) бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ижро этиш жараёнида бўшайдиган;

б) товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ захиралари бўйича ҳисобга олинган;

в) адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан тўланиши назарда тутиладиган;

г) қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчиларга қайтариш учун назарда тутиладиган;

д) давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун назарда тутиладиган;

е) бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш учун назарда тутиладиган, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилган ҳоллар бундан мустасно;

ж) бир йўла бериладиган давлат пул мукофотлари ва мукофотларини тўлаш учун назарда тутиладиган;

з) Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш иштирокчиларига компенсациялар тўлаш учун назарда тутиладиган;

и) транспортда имтиёзли юришни қоплаш учун назарда тутиладиган;

к) давлат қарзини тўлаш ва унга хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш ва уларни молиялаштиришда иштирок этиш учун мўлжалланган;

л) давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун назарда тутиладиган;

м) сайлов ва референдумлар ўтказиш учун назарда тутиладиган;

н) бюджетларaro трансфертлар ажратиш учун назарда тутиладиган;

о) тижорат банклари ва бошқа молия институтларининг устав капиталини шакллантириш ва кўпайтириш учун назарда тутиладиган;

п) резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари ажратиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредит линияларини очиш учун назарда тутиладиган;

р) солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида назарда тутилган тадбирлар ҳамда молия йили мобайнида амалга оширилиши назарда тутилган ва Давлат бюджети харажатларини кўпайтиришни талаб қиладиган бошқа тадбирлар учун мўлжалланган;

с) давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиб бериладиган;

т) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш учун бюджетдан ажратилган маблағлар.

Бунда ушбу бандда кўрсатилган маблағлар тегишли молия органлари-

нинг шахсий ғазна ҳисоварақларида акс эттирилади (мазкур банднинг «м», «с» ва «т» кичик бандларида келтирилган маблағлар бундан мустасно).

3. 19-банддаги «Давлат илмий-техник дастурларини» ва «илмий-техник лойиҳаларнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Давлат илмий дастурларини» ва «илмий лойиҳаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 21-банддаги «Давлат илмий-техник дастурларини» деган сўзлар «Давлат илмий дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 24-бандда:

иккинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими муассасалари» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими муассасаларининг» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 30-бандда:

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджет ташкилотларига ундириладиган ота-оналар тўловлари ҳисобидан шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларининг кунли узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим ташкилотларида тарбияланаётганлиги учун, ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим ташкилотларида таълим олганлиги учун, олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таълим олганлик учун, стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги тўловлар;»;

олтинчи хатбошидаги «Давлат мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 35-банднинг еттинчи хатбошиси ва 61-банднинг олтинчи хатбошидаги «касб-ҳунар таълими муассасаларининг» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 51-банднинг бешинчи хатбошидаги «касб-ҳунар коллежларининг» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон «Ички аудит миллий стандартларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3394.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 5 октябрдаги 21/7-сон «Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 56-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-3.***